

ОЛИМЖОНОВА Шоира Олимжоновна,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети «Иқтисодиёт
назарияси» кафедраси доценти вазифасини
бажарувчи, иқтисод фанлари номзоди

ИНВЕСТИЦИЯ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА

УДК 334.72

ОЛИМЖОНОВА Ш.О. ИНВЕСТИЦИЯ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Мақолада қимматли қоғозлар бўйича муддатли битимлар билан боғлиқ инвестиция маҳсулотларини жорий этиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг аҳоли бандлигини таъминлаш омили сифатидаги аҳамияти тадқиқ этилган ҳамда уни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч иборлар: инвестиция маҳсулоти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, инвестиция сиёсати.

ОЛИМЖОНОВА Ш.О. ВНЕДРЕНИЕ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРОДУКЦИИ КАК ФАКТОР ИНВЕСТИРОВАНИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

В статье анализируется значение обеспечения занятости населения путем поддержки малого бизнеса и частного предпринимательства через внедрение инвестиционной продукции. Также разработаны предложения по их совершенствованию.

Ключевые слова: инвестиционный продукт, малый бизнес и частное предпринимательство, инвестиционная политика.

OLIMJONOVA SH.O. INTRODUCTION OF INVESTMENT PRODUCTION AS A FACTOR OF INVESTMENT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP

The article analyzes the importance of ensuring employment of the population by supporting small businesses and private entrepreneurship through the introduction of investment products. Also, proposals for these improvement have been developed.

Keywords: investment product, small business and private entrepreneurship, investment policy.

Иқтисодиётда инвестицияларнинг роли давлат миқёсида ҳам, алоҳида олинган корхона даражасида ҳам каттадир. Улар барқарор амал қилиш ва ижобий ривожланиш динамикасини таъминлайди.

Иқтисодиётни инвестициялашнинг услубий жиҳатлари В.Бочарева, Ж.Кейнс, П.Самуэльсон, У.Шарп, И.Липсиц ва бошқа олимларнинг асарларида чуқур ўрганилган. Ўзбекистонда эса Д.Ғозибеков, М.Ангелиди, И.Каримов, А.Узоқов, О.Собиров каби иқтисодчи-олимлар томонидан тадқиқ этилган. Ҳ.Абулқосимов, У.Ғофуров, Н.Муродова, А.Қулматов кабиларнинг асарлари Ўзбекистонда кичик бизнес ривожланишининг ҳозирги замон муаммолари ва тенденцияларига бағишланган. Мазкур соҳага катта ҳисса қўшган хорижий муаллифларнинг тадқиқотлари орасида А.Смит, Й.Шумпетер, Р.Н.Холт, С.Б.Баренс, Д.Д.Хэмптон, Ф.Ченг, И.Жозеф ва бошқа иқтисодчиларни қайд этиш мумкин.

Кичик бизнесни ривожлантиришнинг турли жиҳатларига бағишланган тадқиқотлар кенг доираси мавжуд бўлган шароитда кичик бизнес корхоналарининг муваффақиятли инвестицион фаолият кўрсатишига кўмаклашишнинг услубий, назарий ва амалий асослари зарурий даражада ўрганилган ҳамда республикамиз шароитида турли молиявий воситаларни қўллаш орқали батафсил таҳлил қилиш имкониятини тақозо этади. Тижорат тузилмалари ва давлат томонидан инвестицион қўллаб-қувватлаш шакллари яратилиши нуқтаи назаридан бу муҳим масала ҳисобланиб, мазкур шакллар бир-бирини самарали тўлдирган ҳолда республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун сезиларли туртки берган бўлар эди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида инвестиция ресурслари халқаро ҳаракатланиши хатарлилик даражасининг юқорилиги билан боғлиқ равишда хорижий молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятлари бирмунча чекланганлиги туфайли республика банклари кичик корхоналарга узоқ муддатли кредитлар тақдим қилишда маълум қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Бундан ташқари, республикада хорижий инвесторлар учун яратилаётган шарт-шароитларга қара-

масдан, уларнинг жами инвестиция манбаларидаги салмоғи иқтисодиётни модернизация қилиш ва техник-технологик қайта жиҳозлаш эҳтиёжлари учун етарли бўлмапти. Портфель инвестициялар кўринишида хорижий инвестицияларни жалб қилиш эса республикада етарли ривожланмаган, бу эса қимматли қоғозлар бозори имкониятларидан фойдаланишни бирмунча чеклайди. Қимматли қоғозлар бозорида муддатли битимлар тузишни ривожлантириш кўринишидаги инвестиция маҳсулотларидан фойдаланиш портфель инвестицияларнинг ривожланишига туртки беради ҳамда янги молиявий воситалар шакллари юзага чиқаради, пировардида эса иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

Иқтисодиётга киритилаётган инвестицияларнинг ўсиши ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажми, аҳоли бандлиги ва иқтисодиёт турли тармоқлари ривожланиш динамикаси ўзгаришларини келтириб чиқаради. 2015 йилда фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши туфайли молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 40 триллион 737,3 миллиард сўмдан зиёд инвестициялар ўзлаштирилиб, бу 2013 йилга нисбатан 13 триллион 180 миллиард сўмга ёки 47,8% кўпдир. Капитал қўйилмаларнинг ЯИМдаги улуши 23,8%ни ташкил этди.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркибида корхона ва аҳоли маблағлари улушининг ортиб бораётганлиги ҳам инвестиция ҳажмининг иқтисодий ривожланиш учун аҳамияти нечоғли юқорилигидан далолат беради (1-жадвал).

Инвестицияларнинг умумий ҳажмида марказлашмаган манбалар улуши 78,2% ни ташкил этиб, ундан 30,9%и хўжалик субъектларининг ўз маблағлари ҳисобига тўғри келди.

¹ Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень. – Т., 2016. -15-б.

1-жадвал. Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби¹

Кўрсаткичлар	2013		2014		2015		2015 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)	
	млрд сўм	ўсиш суръати	млрд сўм	ўсиш суръати	млрд сўм	ўсиш суръати	млрд сўм	ўсиш суръати
Жами:	27557,3	109,8	33715,3	109,6	40737,3	109,6	13180	0,2
Марказлаштирилган инвестициялар:	5504,8	107,9	6780,8	110,6	8482,2	114,6	2977,4	6,7
шу жумладан:								
бюджет маблағлари	1510,4	118,4	1577,2	93,6	1974,4	112,0	464	-6,4
Давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	1794,5	138,2	2200,8	109,9	2483,1	108,2	688,6	-30
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари					243,6	81,6	-	-
Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари	865,2	65,4	1403,1	145,4	1871,5	134,6	1006,3	69,2
Чет эл инвестициялари ва ҳукумат кафолати остида олинган кредитлар	1216,5	109,7	1479,0	108,9	1909,6	117,1	693,1	7,4
Марказлаштирилмаган инвестициялар:	22052,5	110,4	26934,5	109,3	32255,1	108,8	10202,6	-1,6
Корхоналарнинг маблағлари	8704,5	108,2	10401,2	107,1	12607,6	108,5	3903,1	0,3
Аҳоли маблағлари	5941,5	117,7	7350,5	110,1	8614,4	109,9	2672,9	-7,8
Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва кредитлари	4379,1	106,4	5339,1	109,3	6273,1	106,5	1894	0,1
Тижорат банкларининг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	3027,4	108,8	3843,7	113,8	4760,0	110,8	1732,6	2,0

2015 йилда хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари ҳисобидан инвестициялар ҳажми 12607,6 миллиард сўмни ташкил этиб, 2013 йилга нисбатан 44,8%га кўп бўлган. Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 2015 йил давомида иқтисодиётнинг базавий тармоқларидаги 13 та инвестиция лойиҳасини биргаликда молиялаштиришга йўналтирилган маблағлари 495,7 миллион долларни ташкил этди. Шу билан бирга, жамғарма маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми аввал ажратилган маблағларни қўшиб ҳисоблаганда, 728,6 миллион долларни ташкил этди ва 2013 йилга нисбатан икки баравардан зиёд ошди.

Иқтисодиёт барқарор ўсиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш

йўлида янада кенг эркинликлар тақдим этилди. 2015 йил 20 августда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги УРҚ-391-сонли қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга асосан, 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга мансабдор шахслар томонидан хўжалик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш, жумладан, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш ва ғов бўлиш билан боғлиқ ҳар қандай қонун бузилишлари бўйича жавобгарлигини кучайтириш борасидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-

қувватлаш ҳамда кичик ишлаб чиқаришни ташкил этишда кўмаклашиш мақсадида кичик бизнес субъектларига 12,1 триллион сўм миқдорида ёки 2014 йилга нисбатан 1,3 баробардан зиёд кредитлар, шунингдек, 2,5 триллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. 26,9 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди. ЯИМдаги кичик бизнес улуши 56,5%га етди.

2015-2019 йилларда иқтисодий янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш бўйича дастурнинг амалга оширилиши ЯИМ ўсишида алоҳида иқтисодий тармоқлари салмоғининг ўсишига олиб келмоқда. ЯИМдаги саноатнинг улуши 17,5%гача (2014 йилда 16,9%), қурилишнинг улуши 15,1%гача (14,3%), савдо ва умумий овқатланишнинг улуши 11,4%гача (11,3%), хизматлар соҳасининг бошқа тармоқлари улуши 26,1%гача (25,8%) ўсди. Шу билан бирга, ЯИМ ўсишида қишлоқ хўжалигининг салмоғи 14,5%гача (2014 йилда 15%) ҳамда транспорт ва алоқанинг салмоғи 8,1%гача (9,2%) камайди.

Иқтисодийда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишда инвестицияларнинг янги манбаларини излаш тақозо этилмоқда. Уларни икки турга ажратиш мумкин. Ички молиялаштириш корхонанинг ўзи ҳисобига таъминланади. Ўз маблағлари (устав капитали) ҳамда корхона фаолияти жараёнида шаклландирган оқимлар (соф фойда ва амортизация ажратмалари)¹дан фойдаланиш кўзда тутилади. Ўз-ўзини молиялаштиришдан кичик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун фойдаланиш мумкин. Капитал сиғимли инвестицион лойиҳалар одатда нафақат ички, балки ташқи манбалар ҳисобига ҳам молиялаштирилади. Ташқи молиялаш турли ташқи манбалардан фойдаланишни кўзда тутати: номолиявий компаниялар, давлат, аҳоли, хорижий инвесторлар, молиявий институтлар маблағлари ҳамда корхона таъсисчилари пул ресурсларининг қўшимча оқими. Бундай молиялаш жалб қилинган ва қарз маблағларини ҳаракатлантириш йўли билан бирга боради.

¹ Игонина Л.Л. Инвестиции. – М.: «ИНФРА-М», 2007; Старостин Ю.Л., Лапуста М.Г. Малое предпринимательство. – М., 1997.

2015 йил давомида кредитларни расмийлаштириш шартлари ва жараёнларини енгиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан инвестиция мақсадларига йўналтирилган маблағларнинг барқарор ўсиши таъминланди. 2015 йил давомида ушбу соҳада умумий қиймати 14789,3 млрд сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, бу республика бўйича ўзлаштирилган умумий инвестицияларнинг 36,3%ини ташкил этди. Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилганлиги туфайли 2015 йилда 26,8 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, саноат соҳасида фаолият юритаётган субъектлар модернизацияси амалга оширилди. Намунали асосда уй-жойлар қурилиши ҳамда қишлоқ жойларида ташкил этилаётган янги иш ўринларининг сони ортди.

Ўзбекистонда айланма маблағларни тўлдиришга қисқа муддатли кредитлар паст ставкаларда тақдим қилинмоқда, шу орқали банклар тадбиркорликда рентабелликнинг қулай даражасини кўрсатишга уринмоқдалар. Иқтисодий барқарорлик вазияти узоқ муддатли кредитлар қийматини ишончли ҳисоблаш имконини беради. Шу сабабли уларнинг таклифи кенгаймоқда. Узоқ муддатли кредитлар ҳисобдорлик нуқтаи назаридан фойдали бўлиб, улар остида катта захираларни яратиш тақозо этилади, бу эса банк капитали хатарини камайтиради. Аҳоли ва мижозлардан инвестициялар олиш ўрта муддатли истиқболда барқарор ўсиши мумкин. Молиялаштиришнинг бу тури ташқи молиялашга киради, бу корхонага бозорда ўз мавқеини ўстириш ва кенгайтириш имкониятини таъминлайди, инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланиш эса маблағларни йирик кўламларда янада жалб қилиш салоҳиятини мужассамлаштиради. Бу борада республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев қуйидагини таъкидлаганлар: мамлакатимиз ҳудудларига салмоқли инвестицияларни киритишга доир муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу сабабли тажриба лойиҳаси тариқасида Миллий банк мисолида қуйидаги тизимни жорий этиш керак, яъни банк инвестиция фаолиятига ўз маблағлари билан бирга, ташқаридан молия-

лаштириш манбаларини жалб этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши керак¹.

Жаҳоннинг илғор иқтисодиётларидан бири бўлган Япониядаги тадбиркорлик тарихига муурожаат қилиб, шуни таъкидлаш керакки, XVII асрнинг ўрталарида кичик бизнес вакиллари маблағларни жалб қилишнинг илғор усуллари топдилар. Натурал рента олган япон ер эгаларини уларнинг бизнеси об-ҳавога боғлиқлиги қаноатлантирмади. Хўжаликларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун эса нақд пул талаб қилинди. Тадбиркорлар шаҳар омборларида гуруч сақладилар ва гуруч купонлари деб аталган омбор тилхатларини сотдилар. Бу унинг эгасига келгусидаги қайсидир санага келишилган сифатдаги гуручни келишилган нархда маълум миқдорда олиш ҳуқуқини берди. Шунингдек, ер эгалари барқарор даромад олдилар, сотувчилари эса гуручнинг кафолатланган етказиб берилиши ва купонлар савдосидан фойда олиш имкониятига эга бўлдилар.

Ҳозирги вақтда кенг қўлланилаётган келгуси фоиз ставкаси миқдори тўғрисидаги келишув (FRA – A forward rate agreement – муддатли фоиз ставкаси миқдори) каби қисқа муддатли биржадан ташқари қарз деривативлари билан бирлаштирилган форвард битимларини инвестиция маҳсулоти асоси сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Келгуси фоиз ставкаси миқдори тўғрисидаги келишув ҳосилавий молиявий восита бўлиб, унда бир томон бошқасидан муайян муддатга маълум фоиз ставкаси остидаги суммани шартли равишда қарзга олади. Бу келишувга кўра, томонлар ижро санаси, ҳақиқий ставка ҳамда келишилган номиналдан келиб чиқиб, ҳисобланган тафовутларни қоплаш мажбуриятини зиммаларига оладилар.

FRA келишувини тузишда савдолар ташкилотчисига маржа бадаллари ва кафолатли таъминот тўланмайди. Бу бевосита иштирокчилар ўртасида тузиладиган биржадан ташқари шартномадир. Агар форвард битими асос сифатида

олинса, у ҳолда инвестиция маҳсулоти ҳужжатсиз қолади ва мажбурий давлат рўйхатидан ўтказиш зарурияти вужудга келади. Янги восита муомаласи тартибини соддалаштириш учун ҳужжатли, кўндириладиган шаклларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Инвестицион маҳсулотнинг ўзига хослиги шундаки, оддий форвард битимидан фарқ қилиб, ҳақ тўловни олиш санасига эмас, балки қоплаш санасига ўтади, эгасида танлаш имконияти пайдо бўлади: ё воситани харид қилиш санасидаги нарх бўйича олиш ёки аввалдан келишилган фоиз ставкаси бўйича қўшимча даромадни ҳисобга олиб, маблағларини олиш.

Инвестицион товарни олиш унинг инфляция ва нархлар ўсиши ҳисобга олинган қиймати миқдорга арзонга тушиши билан белгиланади. Шунингдек, агар инвестиция маҳсулотининг қоплаш муддати бир йилни ташкил этса, бу муддат ўтгунга қадар миқдор йиллик қиймати бўйича хизматларга эга бўлади. Бундай инвестиция маҳсулоти муомаласи тартибини шакллантиришда номинал қиймат корхонанинг базавий хизматлари қийматига боғланган бўлишини ҳисобга олиш керак.

2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республика бўйича қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи амалдаги лицензияларнинг умумий сони 126 тани ташкил этиб, 2016 йил давомида 13 та лицензия берилди. Шу билан бирга, лицензияга эга бўлган юридик шахслар сони 74 тани ташкил этмоқда².

2014 йилга нисбатан лицензияга эга профессионал иштирокчилар сонининг 31 бирликка камайиши, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июндаги «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-387-сонли қонуни қабул қилиниши билан изоҳланади. Ушбу қонунга асосан, депозитарийларнинг мустақил профессионал фаолияти қисқартирилиб, ушбу

¹ Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. -23-б.

² Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень. – Т., 2016. -35-б.

функция инвестиция воситачиларига ўтказилди.

Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларига берилиб, фаолият юритаётган малака аттестатлари сони 259 бирликни ташкил этди, улардан 65 бирлик I тоифага ва 194 бирлик II тоифага киради. 2015 йилда акциядорлик жамиятлари сони камайиши билан бир қаторда, улар умумий устав капитали ҳажмининг кўпайиши жараёни кузатилмоқда. Агар 2014 йил якуни бўйича акциядорлик жамиятлари умумий сони 1090 тани ва уларнинг умумий устав капитали 12716,5 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йил якуни бўйича АЖлар умумий сони 715 тани ва умумий устав капитали 16553,7 млрд сўмни (ўсиш 30,17%) ташкил этмоқда.

Акциялар эмиссияси ҳажмининг кескин ортиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2340-сон қарори қабул қилиниши билан изоҳланади. Ушбу қонун акциядорлик жамиятларидаги давлат улушини сотиш, хўжалик бирлашмалари устав капиталига ўтказиш, шунингдек, жамиятлар томонидан қўшимча акциялар чиқариш ва жойлаштириш орқали давлат улушининг кескин қисқартирилишини назарда тутди.

2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, қимматли қоғозлар эмиссиясининг Ягона давлат реестрида умумий қиймати 34,9 трлн сўмга тенг бўлган жами 15602 та акция эмиссияси, хусусан, 2015 йилда умумий қиймати 11,4 трлн сўмга тенг бўлган 450 та акция эмиссияси рўйхатдан ўтказилган¹.

Хусусан, 2015 йилнинг IV чорагида «Ўзавтосаноат» АКнинг 522,7 млрд сўмлик, «Ўзагросаноатмашхолдинг» ХКнинг 169,9 млрд сўмлик, «Invest Finance Bank» АТБнинг 130,0 млрд сўмлик, «Ўзпахтаёғ» АЖнинг 83,5 млрд сўмлик акциялари рўйхатдан ўтказилди. 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, умумий қиймати 498,9 млрд сўм бўлган 101 та эмитентга оид корпоратив облигацияларнинг 158

эмиссияси муомалада мавжуд. Ундан 96 та эмиссия қайтарилган ва 19 таси бекор қилинган. Муомалада умумий қиймати 301,5 млрд сўмга тенг бўлган корпоратив облигацияларнинг 43 та эмиссияси мавжуд.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сонли фармони ҳамда 2015 йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2340-сонли қарори қабул қилиниши ва амалга оширилиши туфайли акциялар ва корпоратив облигациялар бозори айланмалари ортди.

Рискларни ҳисобга олиб, тармоқни ривожлантиришни илгарилаш коэффициенти орқали ифодалаш мумкин. У тармоқ ёки алоҳида комплекснинг ўсиш суръатларини ($T^{тар}$) бутун sanoat ўсиш суръатларига нисбатан ($T^{сан}$) ифодалайди.

Қазиб олувчи тармоқларга нисбатан қайта ишловчи sanoat тармоқларининг илгарилаб ривожланиши одатда иқтисодиётдаги ижобий жараёнларни тавсифлайди. Sanoatнинг тармоқ таркиби мамлакатнинг индустриал ва техник тараққиёти, унинг иқтисодий мустақиллик даражаси ва ижтимоий меҳнат унумдорлиги даражасини ифодалайди. Инвестиция маҳсулотига татбиқан бутун тармоқ учун эмас, балки фақат аниқ олинган корхона учун илгарилаш коэффициенти кўллаш лозим:

$$K^и = T^{сан} / T^{тар},$$

бу ерда $K^и$ – бутун тармоқ бўйича корхонанинг илгарилаш коэффициенти; $T^{сан}$ – аниқ корхонанинг ўсиш суръати; $T^{тар}$ – барча тармоқларнинг ўсиш суръати.

Ўсиш суръати – нисбий ёки фоизда ифодаланган, бир даврда, одатда бир йилда қан-

¹ Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень. – Т., 2016. – 36-б.

дайдир иқтисодий, ўзгарувчан миқдорнинг ўсишидир.

Илгарилаш коэффиценти турли кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларини таққослаш орқали аниқланади: ишлаб чиқариш ва капитал қўйилмалар ҳажми, ишловчилар сони, ишлаб чиқариш қувватларининг қиймати. Саноат тармоғи таркибидаги ўзгаришларни аниқлашда, илғор тармоқларни ривожлантиришда бу кўрсаткични ҳисоблаш алоҳида аҳамият касб этади.

Ва ниҳоят, инвестиция маҳсулотининг нархи қуйидаги формула орқали ҳисобланади ҳамда у билан боғлиқ хизматлар қиймати, корпоратив облигацияларнинг жорий даврдаги ставкаси миқдори ва илгарилаш коэффицентидан келиб чиқиб, аниқланади:

Инвестиция маҳсулоти нархи = $X^k \cdot ЖХС \cdot K^n$,

бу ерда X^k – мазкур инвестиция маҳсулоти таянадиган хизматлар қиймати; ЖХС – корпоратив облигациялар бўйича хатарларсиз жорий ставка; K^n – илгарилаш коэффиценти.

Шу тариқа, воситадан фойдаланиш корхонага маблағларни тўлдириш учун молиявий ресурсларга эга бўлиш имкониятини беради,

инвесторларга эса уларнинг олиниши олдиндан маълум бўлган даромадга эга бўлиш ёки маълум муддатга маҳсулот нархини қайд этиш имконини беради. Фойдаланилаётган инвестицион маҳсулотлар чизиғини кенгайтирган ҳолда кичик ва хусусий корхоналар қўшимча молиялаштиришга эга бўладилар, вужудга келаётган маблағларни эса хусусий ўсиш ва ривожланишга реинвестициялаш мумкин бўлади. Бу эса қўшимча маркетинг харажатларини талаб қилади. Бироқ мижозлар молиявий маблағларини оширган ва инвестиция маҳсулотларига янги, потенциал эгалик қилувчиларни жалб қилган ҳолда қарз олувчи компания қўшимча рақобат устунликларига эга бўлади ва бозорда амал қилиш самарадорлигини оширади.

Бу республика бозори учун янги тажрибадир. Илгари бошқа белгиларга эга бўлган ва бошқа вазифаларни бажарадиган воситалардан фойдаланилган. Кўп ҳолларда бу айланма капитални тўлдириш учун турли шаклларда кредитлаш ва айланма маблағлар айланувчанлигини тезлаштириш учун факторингдан иборат бўлиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. -103-б.
2. Игонина Л.Л. Инвестиции. – М.: «ИНФРА-М», 2007.
3. Берзон Н.И. и др. Облигации федерального займа. // Фондовый рынок. – М.: «Вита-Пресс», 1998. -С. 271-277.
4. Кони́на О.В., Мельникова Е.В., Мельников А.С. Информационные продукты как фактор повышения конкурентоспособности. // «Финансовая аналитика: проблемы и решения», 2014, №9.
5. Лимитовский М.А. Инвестиционные проекты и реальные опционы на развивающихся рынках. – М.: «Юрайт», 2014.
6. Старостин Ю.Л., Лапуста М.Г. Малое предпринимательство. – М., 1997.